GLOBUS
international life

## Дараклар

### МУХОЛИФАТ БИРЛИК ТАРАФДОРИ



Ироқнинг олти мухолиф гуруҳи вакиллари Вашингтонда Америка ҳукумати вакиллари билан Ироқнинг келажаги хусусида мубоҳаса юритишди. Бу машҳур мухолифат вакилларининг сўнгги йиллардаги йирик йиғини бўлди. Унинг асосий мақсади мухолифатнинг ҳақиқатдан ҳам биргаликда ишлай олиши мумкинлигини намойиш қилишдан иборатдир.

— Мухолифат ва бутун ироқликлар хоҳиш-идораларини бирлаштириб мамлакатдаги диктатурани йўқотади ва демократик, конституциявий, парламентга асосланган давлат қуради, -деди ироқлик мухолифатчилардан Ҳамид Ал-Баётий.

### ЖАЛОЛОБОДДА ПОРТЛАШ

Афғонистоннинг Жалолобод шаҳридаги йўл қурилиши билан шуғулланадиган компания биноси яқинида кучли портлаш содир бўлди. Маҳаллий полиция раҳбарининг фикрича, портлаш оқибатида камида 10 киши ҳаётдан кўз юмган, 25 киши жароҳатланган. Бироқ "Афған Исламик Пресс" агентлигининг хабар беришича, ўлганлар сони 50 кишини ташкил этади.

Маҳаллий дала командири Ҳазрат Али портлаш юз берган жойдан 500 метр узоқликда жойлашган 50 тача уй ҳам вайронага айланганини таъкидлайди.

Ўлка вице-губернатори Муҳаммад Қозизодага кўра, ушбу кўнгилсиз воқеа омборда сақланаётган портловчи моддаларга нотўғри муносабат оқибатида юз берган бўлиши мумкин.

Шунга қарамай ҳукумат қўшинлари юқори даражадаги ҳарбий тайёргарликка келтирилди. Қолаверса, мамлакатда Ал-Қоида жангарилари фаолиятининг жонланиши, вице-президентнинг ўлими ва бошқа сабаблар ҳам худди шундай йўл тутишни тақозо этди.

### ТУРКМАНБОШИНИНГ ВАЪДАСИ

Туркманистон Халқ кенгаши, Оқсоқоллар кенгаши ва Миллий уйғониш ҳаракатининг Туркманобод (собиқ Чоржўй) шаҳрида бўлиб ўтган йиғинида президент Сапармурот Ниёзов ўз фаолиятини 2010 йилга қадар, токи 70 ёшга тўлгунича давом эттиришини айтди. Унинг таъкидлашича, 2008 йилда мамлакатда президентлик сайлови бўлиши мумкин.

Бироқ йиғинга келган делегатлар ўз сўзларида президентнинг қарорига қарши эканликларини билдириб, унинг ваколат муддати чегараланмаганини таъкидлашган. Ҳолбуки, у 1999 йилда умрбод президент этиб сайланганди.

Туркманистоннинг собиқ Ташқи Ишлар вазири, ҳозирда Москвада яшаётган Ниёзовга қарши мухолифат раҳбари Абди Кулиевнинг тахминича, Туркманбошининг меросхўри йўқ, у кетиши билан минтақавий гуруҳлар ўртасида уруш бошланиб кетиши мумкин.



Шунингдек, Туркманободдаги йиғинда Ниёзов йил ойларининг номларини миллат қаҳрамонлари билан қайта номлашини, улар орасида ўзи ва онасининг исми ҳам бўлишини билдирган. Шунингдек, у ҳафта кунлари номларини ҳам ўзгартириш режаси борлигини маълум қилган.

Туркманистонда келгуси йил Ниёзовнинг расмий титули — Туркманбоши билан бошланади. Апрель ойи эса бундан кейин президентнинг 1948 йил Ашгабад зилзиласида вафот этган ва ўтган йил Туркманистон қаҳрамони унвонига лойиқ кўрилган волидаси шарафига Она деб номланади.

Қолган ойлар эса мамлакат суверенитети рамзлари — Байроқ, Мустақиллик, Нейтралитет... билан номланади.



**ВВС хабарлари асосида тайёрланди**

## Ғаройибот

# НОМАЪЛУМ УЧАР ЖИСМЛАР ТАҲДИДИ

Инсоният ерда пайдо бўлиб, ақл-идрок юритадиган бўлгандан кейин, кўплаб табиий ҳолатлар сирини ўрганди ва бунинг натижасида тўғри ҳаёт йўлини танлаб, тараққиётга асос солди, кўплаб ихтиролар, тадқиқотлар, тажрибалар ўтказди. Табиат сирларини нафақат ўрганди, айримларини нимага содир бўлаётганини илмий, амалий тажрибалар билан исботлади. Шунга қарамасдан она табиатимизнинг кенг бағрида кўплаб инсон ақли етмайдиган ҳолатлар, номаълум ҳаракатлар бирлашмаси борки, биз уни ечишга ҳозирча ожизлик қилаяпмиз. Шулардан бири "номаълум учар жисмлар"дир. Бу аслида тарелка ҳам, ликопча ҳам, жисм ҳам эмас, "номаълум объект"дир. Чунки бу объектда кўплаб номаълум жисмлар, тарелкалар борки, уни сонини ҳисоблаб бўлмайди. Шундай экан бу тушунчага "номаълум учар объектлар" десак, тўғри бўлади. Ҳар бир атама айнан ўзига мос бўлиши керак. "Объект" — таржимаси номаълум.

Яқинда АҚШ олимлари қўлига 1947 йилда учар объектлар тўғрисидаги Мексикада йиғилган махсус махфий ҳужжатлар тушди. Ҳужжатлар мазмуни жуда қизиқарли бўлиб, унга шу соҳанинг энг етакчи олими бўлган Э.Ленгер қўл қўйган эди. Шунинг учун бу махфий ҳужжатлар матбуотга ҳам маълум бўлиб, АҚШда кўплаб шов-шувларга сабаб бўлди. Лекин миси чиқиб қолди. Яъни АҚШлик жаҳоннинг машҳур олими, профессор Ф.Родегбер АҚШ Адлия вазирлиги ҳамда ФБР ташкилоти раҳбарларидан кейинги 20 йил ичида "номаълум учар объект"лар тўғрисидаги барча маълумотлар, шулар жумласидан махсус махфий ҳарбий ҳужжатларни ҳам ўрганиш учун рухсат олди. Қўл остидаги ишончли, билимдон олимларни йиғиб, ҳужжатларни ўргандилар, ўзлари учун керакли хулосаларни чиқардилар. Биринчидан, 1947 йили Мексикада чоп этилган ҳужжатларнинг барчаси қалбаки бўлиб, машҳур олим Ленгер имзосигина ҳақиқий эди. Қарангки, XXI аср бошларида техника қанчалик тараққий этган бўлмасин, ҳужжатларни қайси бири ҳақиқий, қайси бири қалбакилигини билиш мушкул бўлди. Ф.Родегбернинг фикрича мутахассислар бу ҳужжатларни қойилмақом қилиб тайёрлаб, унинг остига машҳур олим имзосини оригинал каби кўчириб, кўп олимларни доғда қолдирган. Бундай далилий фактлар шуни кўрсатиб турибдики, номаълум учар объекталр тўғрисида ҳанузгача аниқ далилий маълумот йўқ.

Шунинг учун бўлса керак, Россияда "Номаълум учар объект"ларни илмий асосда ўрганиш мақсадида Марказий Академия ташкил қилинди.

1977 йили Петрозаводскда минглаб одамлар номаълум учар объектларнинг ҳаракатини кузатиб, айримлари уларни сурат ҳамда кинога ҳам олишган. 3 апрел 1990 йили учар объектларни кузатиш учун Москва ҳарбий аэродромидан кўтарилиб, учар тарелкаларга яқинлашаётганларида, улар бир сониядаёқ йўқ бўлиб кетади. 1984 йили Москва вилоятида илмий изланишлар олиб борилди. Номаълум учар объект қўнган жой синчиклаб текширилди, лекин у жойдан олинган тупроқ намунаси ҳеч қанақа натижа бермади.

Шу вақтга қадар ўзга сайёрадан келганларни ҳеч ким яқиндан бориб ушлаб кўрмаган, суръатга, видео, кинога тушурмаган. Улкан электрон телескоплар орқали кузаташлар ҳамда жаҳон ҳарбий мутахассисларини фикрича "учар тарелкалар" номаълум ҳажмдаги инсон кўзига кўринадиган нурлар, майда заррачалар мажмуаси — йиғиндисидир, холос. Бу ҳам аниқ жавоб эмас. Лекин коинотда кўплаб инсон бошқарувисиз автоматик равишда учаётган ер йўлдошлари ва бошқа аппаратлар мавжуд. Булардан олинаётган маълумотнинг кўпчилигини ҳеч бир давлат матбуотга бермайди. Ана шундай аппаратлар олинган маълумотлар ошкор бўлгандагина, учар тарелкалар афсонасига чек қўйилиши мумкин.

Айрим далилларга мурожаат қиламиз: Пат Евекс, ҳамшира: «Тоғда сариқ-қизғиш рангдаги шарни кўрдик. Дамба-дам ёниб учувчи чироғлари порлаб турарди».

**Машҳур астроном олим** Р.Донгинснинг ёзишича, фазода юлдузларнинг бирида 600 тонналик тронитан кучга эга бўлган портлаш юз бериб, юз минглаб майда заррачалар йиғиндисидан иборат шар, тарелка шаклида самода учиб юрувчи объектлар пайдо бўлади. Бундай портлашлар коинотда тез-тез бўлиб туради.

**Уфолог** (учар тарелкаларни ўрганувчи) олим Диан Соок: "Бриз кўрфазидаги учар тарелкани тезлик билан фотога тушириб, расмини газетага бердим. Объект қизил ва оқ ёғдулар билан ўралган эди".

**Профессор Девин:** "Галактида янги юлдузларни пайдо бўлиши натижасида кўплаб энергия ажралиб, ундан миллионлаб учар тарелкаларга ўхшаш объектлар пайдо бўлади. Энг яқин қўшнимиз бўлган Сайёра Марс обдон телеаппаратлар ёрдамида текширилганида, унда ҳеч қандай тирик мавжудотни йўқлиги исботланди. Яъни, Сайёрада атмосфера босими жуда кам. Сув 1 градусда қайнайди. Сайёранинг юзи сатҳи 97 фоиз корбонад ангидрид, 1,5 фоиз азот, 1,5 фоиз аргон гази билан қопланган. Бу газлар ўта заҳарли бўлиб, ҳеч қачон тирик мавжудотга шароит яратиб бераолмайди — шундай экан қайси сайёрада қандай тирик мавжудот борлиги тўғрисида ҳеч қандай илмий асос йўқ. Фақат миш-мишлар, холос.

**Профессор Френк Дракни** 1977 йилдан бошлаб фазода олиб борган илмий изланишлари диққатга созовордир. У шундай дейди: "25 йил ичида фазодаги барча радиосигналларни синчиклаб текшириб, шуни айтиш мумкинки, фазода ҳанузгача ҳеч қанақа радиосигнал аниқлангани йўқ".

Инсон кўзи 2 миллионга яқин турли рангларни ажратиш хусусияти — қобилиятига эга. Бу табиатдаги тирик мавжудотлар ичида энг юқори кўрсаткичли аъзо ҳисобланади. Шундай экан, айрим одамларни табиий ҳолатига қараб, кўзига турли нурлар кўриниши мумкин ва бу ҳодиса уни миясида жойлашиб қолади. Бундан ташқари инсон миясида одам уйғоқ бўлган пайтда ҳам уни ўзи билмаган ҳамда у билан айрим ҳодисалар, учрашувлар ҳақиқатан бўлиб ўтгандек туюлади ва у бунга ишонади. Натижада миш-мишлар келиб чиқади.

Ойга биринчи бўлиб қўнган **Армстронг гуруҳи** қатнашчиларини фазодаги кўплаб кузатувларига кўра бизга кўриниб турган ранг-баранг тарелкалар кўринишидаги объектлар аниқ геометрик шаклга, оғирликка эга бўлмай, балки турли фазодаги газларни ёруғлик таратувчи ҳолатларига мос келадиган бир кўринишидир.

**Илҳом ШЕРМУҲАММАД**

## Муаммо

Катта экранда кино томоша қилмаганимга анча бўлганди. Умуман, кейинги йилларда "уруғлаб" кетган турфа видеобарлар катта экранларни ўз домига тортгани боисми, айниқса, вилоят ва туманларда ҳашаматли кинозаллар аллақачон ҳувиллаб қолгани сир эмас. Хайриятки, шаҳри азим Тошкентда онда-сонда бўлса-да кинотеатрларга томошабин тушиб турибди. Ана шу фильмларнинг аксарияти ўзимизнинг миллий кино маҳсулотлари эканлигидан бир оз бўлса-да кўнгил таскин топади.

Катта экарн соғинчи туфайлими, яқинда анча вақтдан буён тинмай реклама қилинаётган филм томошаси илинжида Алишер Навоий номли санъат кошонасига тушдим. Очиғи, миллий кинематографларимиз меҳнат маҳсули бўлган янги филм томошасидан бир дунё таассуротлар олганим ҳолда санъат саройидаги баъзи нохушликлардан кўнгил хижил тортди.

# МАДАНИЯТ КОШОНАСИДАГИ МАДАНИЯТСИЗЛИК

### ёхуд алмисоқдан қолган чипталар захираси қачон тугайди?

Аввало диққатимни кинотеатр кассаларида сотилаётган чипталар тортди. Кассир опа узатган чиптани оларканман, гўё ўтган асрнинг саксонинчи йилларига тушиб қолгандек бўлдим. Сабабки, мовий рангли бу матоҳ худди ўша саксонинчи йилларнинг маҳсули эди-а. Рус тилида чоп этилган чиптада "Дворец искусств", "Кинокомитет УзССАР", "Цена 10 коп" каби ёзувлар шундоққина кўриниб турибди. Фақат чипта юзасига бинафша рангда босилган "100" ва "500" рақамлари (чиптанинг ҳозирги нархи) ушбу матоҳдан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи асосий кўрсаткич эди, холос.

Энди ўйлаб кўрайлик. Мустақилликка эришганимизга ҳам ўн бир йил бўлди. Бу роппа-роса 4000 кун дегани. Ахир мазкур кинокошона кассаларидан кунига камида 2000 кишидан томошабин чипта харид қилган бўлса, 11 йил давомида жами 8 миллион дона шунақа чипта чиқади. Қизиқ, тўқсонинчи йиллар бошида чоп этилган ўша чипталардан яна қанчаси қолди экан?.. (Бундай саволни қўяётганимга сабаб, ушбу санъат саройи кассаларидан собиқ иттифоқ руҳи уфуриб турган ва аллақачон истеъмолдан чиқариб ташлаш лозим бўлган чипталар сотилаётгани хусусида адашмасам, илгари ҳам матбуотда бирикки танқидий чиқиш бўлганди. Кўринадики, бу танқидлар бесамар кетибди. Киносарой маъмурияти ҳануз омборларда тахланган эски заҳиралардан фойдаланишни тўхтатмаяпти. Назаримда улар учун Мустақилликнинг қадр-қиммати янги чипталар учун кетадиган харажатлар олдида ҳеч нарсага ўхшайди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Филм бошланишини кутган томошабин кутиш залларидаги тахталарни томоша қилар экан, бу ерда илинган фотосуратлар, ҳар хил афишаларнинг аҳволини кўриб, албатта, таъби бузилиши тайин. Чунки баъзи бир "маданиятли" томошабин мазкур афишаларга шунақанги бемаза сўзлардан "дастхат" қолдирганки, уларга қараб шундай ажойиб кошонага ҳамма ҳам маданий ҳордиқ чиқариб, маънавий озуқа олиш учун келмас экан-да, деган хаёлга борасан, киши. Ахир ҳар хил ҳақоратомуз "битиклар" туширилган ўша фотосуратларда акс этган инсонлар нафақат ўзбек кино-санъати, балки дунё маданияти, кино санъатига беқиёс ҳисса қўшган севимли санъат намояндаларимиз-ку. Наҳотки уларга бўлган ҳурмат-эъзозимизни шу тариқа намоён этсак? Бу каби сўзларни ҳижжалаб ўқиган бошланғич синф ўқувчиси ота-онасига саволомуз ҳайрат билан боқса, катталар мулзам бўлишмайдими. Ёки беҳаё ёзувларга ногоҳ кўзи тушган севишганлар нигоҳларини қаёққа яширсинлар?..

Буниси ҳам майли-я, бугунги кунда Тошкенти аазимда ажнабий биродарларимиз камми. Ҳеч бўлмаса уларнинг аксарияти ўзбекчада дуппа-дуруст саводлари борлигини унутмасак бўлармиди. Ана шу хорижлик меҳмонларимиз маданий дам олиш истагида томошага тушганларида ўша беҳаё сўзларга уларнинг ҳам ўткир нигоҳлари тушиб қолса ким деган одам бўламиз?!

Менингча кинотеатр маъмурияти ҳам бундай бебошликларга нисбатан бепарво бўлмаслиги лозим. Дейлик, театр биносида жойлашган буфеть ёки емакхоналардан бирорта идишга зарар етказсангиз ўша заҳоти сизни тергайдиган, жаримага тортадиганлар топилиши мумкин. Аммо нега энди маънавий бойликларга (кинотеатрдаги ҳар бир тарихий фотоҳужжатлар ҳам умумхалқ маънавий мулк ҳисобланади) нисбатан бўлган ҳурматсизлик, йўқотишларнинг олдини ололмаймиз.

**Даврон ОРИПОВ,**
**"Ҳуррият" мухбири**

## Суҳбат

*Маълумки солиқлар, солиқ тизимига бўлган муносабат кейинги йилларда кескин ўзгарди. Эндиликда солиқлар маҳаллий ҳамда республикамиз бюджетини тўлдирадиган, уни маблағ билан таъминлайдиган асосий воситалардан бирига айланади. Бу борада Қашқадарё вилоятида амалга оширилаётган ишлар ютуқ ва муаммолар хусусида вилоят давлат солиқ бошқармасининг бошлиғи Нурмат Қаршибоевич Джумебеков билан суҳбатлашдик.*

# СОЛИҚЛАР — АДОЛАТ МЕЗОНИ

**— Нурмат Қаршибоевич, маълумки ҳамма давлатларда ҳам, солиқ тўловчилар икки тоифага бўлинади: интизомли ва қонунбузар. Интизомли, маданиятли солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш борасида вилоятда қандай амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда?**

— Ривожланган мамлакатларда солиқ ва тўловларни вақтида тўлаш фуқаролик бурчи ҳисобланади. Бизда "Ўлимдан қочиб қутулишнинг имкони йўқ" деган ибора бор. Ривожланган давлатларда "Ўлим ва солиқдан қочиб қутулишнинг иложи йўқ" дейишади. Мен Америка Қўшма Штатларида бўлиб, солиқ тизими билан танишганимда, бу ривожланган мамлакатда солиқ қонунларига чинакам ҳурмат ва эътиборни, қаттиқ ишончни кўрдим. Биз бошқа соҳалар қатори солиқ қонунчилигида ҳам бу ҳамкорлигимиздан кўп нарсаларни ўрганишимиз лозим ва бу борада дастлабки қадамлар қўйилаётганлиги қувонарлидир.

Президентимиз И.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2002 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ўтказилган мажлисда "Солиқлар асосли, барқарор, мослашувчан бўлиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчининг қўлини боғлаб қўймаслиги, чўчитиб юбормаслиги, аксинча, уни рағбаатлантириш зарур" деб алоҳида таъкидладилар. Бу биздан солиқ тўловчилар билан ишлашни янгича, самарали усулларини ишга солишни, интизомли солиқ тўловчилар сафини кенгайтиришни тақозо этади. Бунинг учун аввало фуқаролар солиқларни қайси мақсадда тўлаётганликларини, улар кимга ва нимага хизмат қилаётганлигини тўла англаб етишлари лозим бўлади.

Биз солиқ қонунчилиги ва айни вақтда амалда бўлган ҳужжатлар, уларга киритиладиган янгиликларни солиқ тўловчиларга ўз вақтида етказишнинг янгича, кенг қамровли дастурини ишлаб чиқдик. Унда энг аввало матбуот, телевидение ва радиодан унумли фойдаланиш кўзда тутилган. Бошқарма тарихида биринчи бор республика ҳамда вилоят газеталари, телевидение ва радио журналистлари билан матбуот конференцияси ўтказилди. "Қашқадарё" ҳамда "Кашкадарья" газеталарида солиқ тўловчилар билан "Бевосита мулоқот" ташкил этилди. Бундай тадбирларни ҳар чорак якуни билан ўтказишга келишиб олдик. Солиқ ходимлари амалга ошираётган ишларни матбуот саҳифаларида мунтазам ёритиш аҳолини иш тизими, фаолияти, солиқ қонунчилигидан муфассал хабардор этиш, журналистларни соҳага оид касбий билимини ошириш ҳамда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш мақсадида солиқ фаолиятини ёритишда фаол иштирок этган журналистлар ўртасида танлов эълон қилинди.

Солиқ тўловчилар билан юзма-юз учрашувлар қонунларга риоя этиш, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасида интизомли солиқ тўловчиларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, маҳаллаларда, корхона, ташкилотларда учрашувлар, давра суҳбатлари мунтазам ўтказиладиган бўлди. "Сиз солиқлар ҳақида нималарни биласиз?", "Энг интизомли солиқ тўловчи", "Энг яхши солиқ тўловчи фермер, тадбиркор" конкурсларини ўтказиш одат тусига кирди. Вилоят мактаб ўқувчилари ўртасида "Мен солиқлар ҳақида нималарни биламан?" деб номланган танлов ўтказилди. Уларнинг ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди. Булар шубҳасиз солиқ юкини камайтириш, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш жараёнларини соддалаштириш, виждонли солиқ тўловчиларни, уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувларда ҳимоялашни кучайтириш, солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилган жиноий ва маъмурий жазоларни эркинлаштириш, самарали солиқ тизимини шакллантиришдан иборатдир.

**— Солиқларнинг тадбиркорлар билан муносабатлари ҳақида тўхталсангиз?**

— Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётгани улар сонининг ошишига олиб келаяпти. Айни вақтда вилоятда 11633 нафар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар рўйхатга олинган. Бу ўтган йилнинг шу даврига қараганда 1556тага кўпдир. Шубҳасиз, уларнинг давлат бюджетига қўшадиган ҳиссаси ҳам ошиб бораяпти. Солиқ тизими ходимлари улар билан тез-тез учрашиб, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тушунтириб, таклиф ва истакларини ўрганмоқдалар. Юқорида айтиб ўтганимиз "Бевосита мулоқот"да тадбиркорлар айрим солиқ ставкалари қўшни вилоятлардагига қараганда ортиқ эканлигини баён этишди. Молия ва солиқ бошқармаси уларни ҳақли деб топди ва бу ҳақда вилоят ҳокимлигига таклиф киритди. Вилоят ҳокимлиги бу таклифларни эътиборга олиб, 2002 йил 12 январдаги "Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни жорий қилиш ҳамда уларнинг тўлов миқдори тўғрисида"ги қарорига қатор ўзгартиришлар киритди. Қарорда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги фарқ, аҳолининг зич жойлашиши ҳамда кўрсатилаётган хизмат турлари тўла ҳисобга олинган. Илгари туманларнинг ўзига хос хусусиятлари, бозорларнинг айрим кунлардагина ишлаши, тушум миқдори эътиборга олинмай, барча учун бир хил ставка белгиланган эди. Янги қарорда савдо-сотиқ ҳуқуқини берувчи йиғим 2 гуруҳга бўлинган.

Барчани қизиқтирадиган автомашиналар хизматида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Масалан, илгари "Дамас", "РАФ" русумли машиналарда аҳолига хизмат кўрсатаётган тадбиркорлар шаҳарларда бир хил — энг кам иш ҳақининг 7 миқдорида солиқ тўлаб келинган. Энди у шаҳарларда "Дамас учун 5, туманларда 4, "РАФ"лар учун шаҳарда 6, туманларда 5 баробар миқдорида белгиланди. Шахсий трактор ва кран билан хизмат қилувчилар ҳам қарор асосида солиққа тортиладиган бўлди.

Алоҳида турдаги товарлар билан савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома учун йиғим ҳам 3 гуруҳга бўлинди.

Кейинги йилларда умумий овқатланиш тармоқларига солинадиган солиқ миқдори ҳеч ўйланмай ошириб юборилган эди. Туманларда хўранда кириши ёки кирмаслигидан қатъи назар ҳар бир стул учун 7890 сўм нарх белгиланган бўлса, бу рақам шаҳарларда 11835 сўмни ташкил этарди. Янги қарор бўйича туманларда бир стул ўрни учун 1183 сўм, шаҳарларда 3945 сўм қилиб белгиланди. Илгариги қарорда кўпгина хизмат турларини солиққа тортиш аниқ кўрсатилмаган эди. Эндиликда бунга ҳам барҳам берилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, булардан кўзда тутилган мақсад мамлакатимизда тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесни кенгайтириш, тадбиркорларга ҳар томонлама қулай имкониятлар яратишдан иборатдир. Эндиликда тадбиркорларнинг сони ортади, хизмат кўрсатиш даражаси ва сифати тубдан яхшиланади.

**— Нақд пул тушумига эга бўлган субъектларда хрометраж ва мониторинглар ўтказилиши табиий, албатта. Улар қандай натижалар бермоқда?**

—Вилоятда нақд пул маблағлари эмиссиясини қисқартириш борасида муҳим тадбирлар амалга оширилаяпти. Аммо ҳали бу соҳада ечимини кутаётган масалалар, муаммолар оз эмас.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 январдаги "2002 йил I чоракда нақд пул эмиссияси даражаси ва касса режасининг параметрлари тўғрисида"ги 19-сонли қарорига кўра вилоятда ўрнатилган касса режасининг кирим қисми белгилангандан 9436,1 миллион сўмга ортиқ ёки 34693,1 миллион сўмга бажарилди. Бунда солиқ ходимлари савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарига қарашли шохобчаларда ўтказган мониторинг ва хронометражлар муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Нақд пул маблағлари ноқонуний айланишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган қисқа муддатли текширишларда тушумларни ўз вақтида банк муассасаларига топширмасдан, бошқа турли мақсадларга ишлатиб юборганлиги ҳолатлари аниқланди. Шу боис амалдаги қонунга кўра 40 та корхонага нисбатан топширилмаган пул миқдорида ёки 6461,4 минг сўм молиявий жарима солинди. Туман ва шаҳар ҳокимликларига тақдимнома киритилиб, 49 та савдо корхонасининг рухсатномалари бир ой муддатга тўхтатилди. Хазина интизомини бузган 42 фуқаро 1554 минг сўм маъмурий жаримага тортилди. Биз кейинги пайтларда жазолашдан кўра фуқароларга бу ҳақдаги қарорларнинг асл моҳиятини тушунтириш соҳасидаги тарғибот ишларини кучайтиришга қаратаяпмиз. Бунинг натижасида шу йилнинг биринчи чорагида нақд пул тушумига эга бўлган 1830 субъектда касса тушуми режалари ихтиёрий равишда ошиғи билан бажарилди. Якка тартибда умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланиб келган бир қанча фуқаролар ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлдилар.

Нақд пул тушумини ошириш учун аҳолига белгиланган ун, шакар, ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотларга нисбатан банк муассасаларига топшириладиган пул тушуми, шунингдек, тадбиркорлар томонидан пул кўчириш йўли билан олиб келиниб, аҳолига тез сотиладиган спиртли, яхна ичимликлар, чорва моллари концентрат озуқалари ҳамда қўшни республикалардан келтириладиган мева ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг нақд пул қатламини доимий назоратга олдик. Бу эса ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

**— Халқимизда: "Қарздорнинг косаси оқармас" деган ибора бор. Лекин қарздорлик балосидан кутулиш осон кечмаяпти. Боқиманда қарзларни камайтириш учун қандай чора-тадбирлар кўрилаяпти?**

— Қарз ғазнага соя солади, иқтисодий-ижтимоий масалалар ечимига путур етказади. Афсуски, бу соҳада кескин бурилиш ясалаяпти, деб бўлмайди. Бугунгача вилоят корхоналарининг боқиманда қарзи 2273 миллион сўмни, унга ҳисобланган жарима (пенья) эса 1465,4 миллион сўмни ташкил этади.

Корхона ва ташкилотларнинг бюджет олдидаги боқимандаларини уларнинг дебиторлик қарзлари ҳисобидан ундириб олиш чоралари кўрилаяпти. 1124та ташкилотнинг 2037,5 миллион сўмлик дебиторлик қарзига инкассалар қўйилиб, ҳозиргача 533,7 миллион сўм ундириб олинди. Вазирлар Маҳкамасининг муддатида тўланмаган солиқ ва мужбурий бюджет тўловларини қарздор корхоналарнинг мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш борасида вилоят Хўжалик суди, Хусусийлаштириш идораси, Марказий банк, Банкротлик бошқармаси ҳамда Давлат кўчмас мулк биржаси билан ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. Бу ҳақдаги Низомга асосан шу йилнинг биринчи чорагида 785 корхонага қарзни узиш тўғрисида огоҳлантириш талабномалари берилди. Ана шундан кейин 288 ташкилот қарзларини тўлиқ, 168 корхона қарзини бир ойлик муддат мобайнида қисман тўлашди. 129 ташкилотга тегишли 129 та даъво ариза расмийлаштирилиб вилоят Хўжалик судига берилди ҳамда 53 қарздор корхонанинг мол-мулклари хатланиб сотувга қўйилди. 63 корхона 685,3 миллион сўмни мол-мулки сотилганга қадар ўз хохиши билан тўлаб берди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Корхоналарда мушкул бўлса ҳам қарзни узиш имкони бор экан, нега энди улар суд қарори, мол-мулкни хатлашгача бўлган охирги чораларни кутишди? Раҳбарлар нега бунинг чоралари тўғрисида сал илгарироқ ўйлаб кўрмадилар? Қарзлар иқтисодиётимизга салбий таъсир кўрсатар экан, бу борада ҳеч кимга шафқат ёки имтиёз берилмайди.

**— Текширишлар меъёрида деб ўйлайсизми? Улар камроқ ва самарали бўлиши учун нималарга эътиборни қаратмоқ лозим? Шу ўринда банк тизимида солиқ органлари назорати бераётган натижалар ҳақида тўхталсангиз?**

— Халқ ўртасида текширишлар ҳақида турли фикрларни эшитиш мумкин. Лекин иқрор бўлиш керакки, кейинги пайтларда уларнинг сонига эмас, сифатига эътибор бериладиган бўлди. Улар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, корхона ва ташкилотларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилашга ижобий хизмат қилаётир.

Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес субъектларининг сони ошиб бораётганлигига қарамай, ўтказилаётган текширишлар сони кескин қисқармоқда. 2002 йилнинг биринчи чорагида назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгаши томонидан режалаштирилган текширишлар сони ўтган йил шу давридагига қараганда 1648тага, ҳудудий комиссия томонидан тасдиқланган қисқа муддатли текширишлар эса 578 тага камайди. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Республика Кенгашининг режасига асосан 8 та банкда текшириш ўтказилди. Афсуслар бўлсинки, уларнинг 6 тасида солиқларни ҳисоблашда йўл қўйилган хато ва камчиликлар учун жарималар 1051,4 минг сўм ҳисобланди. 10 та банк муассасаси мансабдор шахслари 109,8 минг сўм миқдорида маъмурий жаримага тортилдилар.

Республика Президентининг 1998 йил 4 февралдаги 1923—ПФ сонли Фармонида корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб рақамларидаги мавжуд пул маблағларини мутаносиб равишда тақсимланиши ва уларга шахсан банк раҳбарлари масъуллиги таъкидланди. Шунга қарамасдан бунга амал қилмаган 2 та тижорат банкига 93,1 минг сўм устама жарима қўлланилди. АТ "Тадбиркорбанк" Чироқчи тумани бўлимида 2297 минг сўм маблағ мутаносиб тақсимланмаганлиги боис 83,7 минг сўм устама жаримага тортилиб, банк бошқарувчиси ҳамда бош ҳисобчиси устидан жиноий иш қўзғатилди. АТ "Савдогарбанк"нинг Деҳқонобод тумани бўлимида ҳам худди шундай ҳолат аниқланди. Вилоят иқтисодиётига жавобгар муассасалар шундай хатоларга йўл қўйган тақдирда, бошқадан нимани кутиш мумкин.

**— Солиқ тизимида мавжуд бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақида тўхталсангиз?**

**— Ҳамма соҳада ечимини кутаётган муаммолар етарли. Солиқ тизими ҳам бундан мустасно эмас.**

Аввало вилоят солиқ тизимида ижро интизоми паст эканлигини очиқ тан олиш керак. Шунинг учун ҳам биз бошқарма ҳамда қуйи бўғинларда бу соҳада раҳбар кадрлар масъулиятини ошириш масалаларига жиддий эътибор бераяпмиз. Ижро интизомига риоя этмаганлар эса қонунга биноан жазоланмоқда.

Кадрларда касб маҳорати етарли эмас. Улар қонунларни, хусусан, Солиқ кодекси талабларини ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини пухта ўрганиб, уларга қатъий амал қилмайдилар. Бунинг оқибатида солиқ тўловчилар билан қўпол муомалада бўлиш, ариза-шикоятлар таҳлилида нотўғри хулосаларга келиш, моддий манфаатларни кўзлаш ҳоллари учраб турганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Шу боис диққат-эътиборни иқтисодий ва касбий ўқувлар, суҳбатлар, тортишувлар, конкурслар ўтказишга қаратаяпмиз. Ҳар ҳафтада мунтазам ўтадиган маънавий-маърифий ўқувларда солиқчилар дардини эшитиш, улар билан ҳамкор, ҳамжиҳат бўлиб ишлаш масалалари кўндаланг қўйилаяпти.

Кейинги пайтларда солиқ ташкилотлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эътибор берилаётгани, бошқарма учун, Муборак, Қарши, Касби туманларида янги замонавий бинолар қурилганини эътироф этган ҳолда, бу соҳадаги ишлар ҳали талабга жавоб бермаслигини ҳам тан оламиз. Қамаши, Шаҳрисабз туманларида солиқ идоралари биносини қайта таъмирлаш, ходимларнинг ишлаши учун етарли шароит яратиб бериш масалалари устида амалий ишлар олиб борилаяпти. Бу борада айниқса, шаҳар, туман Давлат солиқ инспекцияларини замонавий техникалар, компьютерлар билан тўлиқ таъминлашни зарур деб ҳисоблаймиз.

Одилона солиқ сиёсатини юргизишда қадриятларимиздан оқилона фойдаланиш, ота-боболаримизнинг кўпчиликка манзур давлатчилик сиёсатини ҳозирги ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан мужассамлаштирган ҳолда олиб бориш фойдадан холи эмас. Ҳамюртимиз Амир Темур даври солиқ сиёсатида аҳолига имтиёзлар бериш диққат марказида бўлган. Биргина ер солиғини олиб қарайлик. Ўзлаштирилган ерлардан бир йил солиқ олинмаган. Иккинчи йили белгиланган миқдорнинг ярми ҳисобида, ерлар унумдорлиги ошиб, ундан исталган ҳосил олингач эса тўлиқ миқдорда солиқ солинган. Мустақил мамлакатимизда ҳам айни даврда ана шундай аҳоли манфаати кўзланган солиқчилик сиёсати олиб борилмоқда.

Бугун одилона сиёсати билан бутун дунёга танилаётган ва ўз мавқеига эга бўлаётган мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда ҳам ўзига хос, ўзига мос йўлдан бораётир. Шу нарса қувончлики, бу оқилона йўлни бутун жаҳон тан олиб, мамлакатимизга ҳамкорлик қўлини чўзмоқда. Бунда асосий рол ўйнаётган солиқ тизими янада такомиллашиб, Ватан тараққиёти, эл фаровонлигига хизмат қилишига шак-шубҳа йўқ.

**Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Қашқадарё вилоят Давлат солиқ бошқармаси матбуот бўлими бошлиғи,**
**Сайидали НАБИЕВ,**
**"Ҳуррият" мухбири**

